ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 10 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

МАҲАЛЛАЛАРДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Урманов Анвар Абдуталипович
Ўзбекистон республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура факультети «Прокурорлик фаолияти» мутахассислиги тингловчиси.

https://doi.org/10.5281/zenodo.23892097

Аннотация. *Ушбу мақолада маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ҳуқуқий механизмларидаги муаммо ва камчиликлар таҳлил қилинган. Қонунчиликдаги бўшлиқлар, институционал ваколатларнинг такрорланиши, ижтимоий профилактика ва рақамлаштириш жараёнларидаги нуқсонлар очиб берилган. Шунингдек, тизимли муаммоларни бартараф этиш ва маҳаллаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *маҳалла, хавфсиз муҳит, жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, виктимологик профилактика, маҳалла еттилиги, норматив-ҳуқуқий бўшлиқ.*

Аннотация. *В данной статье анализируются проблемы и недостатки в правовых механизмах создания безопасной среды в махаллях. Выявлены пробелы в законодательстве, дублирование институциональных полномочий, недостатки в социальной профилактике и процессах цифровизации. Также разработаны научно обоснованные предложения по устранению системных проблем и совершенствованию механизмов обеспечения общественной безопасности в махаллях.*

Ключевые слова: *махалля, безопасная среда, общественная безопасность, профилактика правонарушений, виктимологическая профилактика, семерка махалли, нормативно-правовой пробел.*

Abstract. *This article analyzes the problems and shortcomings in the legal mechanisms for creating a safe environment in mahallas. Gaps in legislation, duplication of institutional powers, shortcomings in social prevention and digitalization processes are revealed. Scientifically based proposals have also been developed to eliminate systemic problems and improve the mechanisms for ensuring public safety in mahallas.*

Keywords: *mahalla, safe environment, public safety, crime prevention, victimological prevention, mahalla seven, normative and legal gap.*

КИРИШ

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ҳуқуқий механизмларидаги муаммо ва камчиликларни ташхис қилиш, энг аввало, норматив-ҳуқуқий базадаги фундаментал бўшлиқлар (пробелы в праве), ҳуқуқий нормалар ўртасидаги коллизиялар ҳамда уларни амалиётда қўллашдаги ташкилий-процессуал нуқсонларни бир-биридан аниқ фарқлашни талаб этади [1]. Амалиётда аксарият ҳолларда норманинг мазмуний ва конструкциявий нуқсони уни амалиётда нотўғри ёки ғайрипрофессионал қўллаш ҳолатлари билан адаштирилади, бу эса ислоҳотлар йўналишини нотўғри белгилашга олиб келмоқда.

ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 10 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

Шу сабабли, маҳалла даражасидаги жамоат хавфсизлиги тизимини таҳлил қилишда сабабият ва ўзаро боғлиқлик манзилларини ажратган ҳолда, асосий эътибор тизимли муаммоларнинг намоён бўлиш шакллари ва уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш субъектлари фаолиятига таъсирига қаратилиши лозим.

АСОСИЙ ҚИСМ

Базавий қонунчилик даражасидаги асосий муаммолардан бири — «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун нормаларининг муайян даражада тарқоқлиги ва унда ижтимоий профилактика институтининг яхлит концептуал тузилма сифатида тўлиқ қамраб олинмаганида намоён бўлади [2]. Қонуннинг 3-моддасида профилактиканинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик турлари белгиланган бўлса-да, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва тиббий-психологик чора-тадбирлар билан бевосита боғлиқлик механизмлари аниқ очиб берилмаган. Бу эса амалиётда профилактик таъсир кўрсатиш воситаларининг бевосита маъмурий мажбурлов ва жазолаш чоралари фойдасига оғиб кетишига, ижтимоий ва реабилитацион омилларнинг эса иккинчи даражали бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Иккинчи муҳим ҳуқуқий қарама-қаршилик қонун ҳужжатлари ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги мувофиқсизликда намоён бўлмоқда [3].

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ва соҳавий қонунларда белгиланган кафолатлар ҳамда процессуал тартиб-таомиллар Ички ишлар вазирлигининг ички буйруқ ва йўриқномалари билан айрим ҳолларда тор талқин қилинмоқда ёки ўзгартирилмоқда. Илмий адабиётларда ва ҳуқуқий мониторинг хулосаларида ҳақли равишда таъкидланганидек, идоравий буйруқлар амалда қонун нормаларини алмаштириб қўйиш ҳолатлари учраб, бу ҳолат профилактика инспекторлари томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш хавфини келтириб чиқармоқда.

Профилактика инспектори фаолиятини тартибга солувчи норматив базадаги таркибий нуқсон уларнинг ваколат ва вазифалари ҳаддан ташқари кенглиги ҳамда соҳага алоқадор бўлмаган юкламаларнинг юқорилиги билан боғлиқ [4]. «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонун ва соҳавий низомларда инспектор зиммасига маҳаллада жамоат тартибини сақлашдан ташқари, ободонлаштириш, коммунал қарздорликларни ундириш, турли оммавий ва маданий тадбирларда доимий навбатчилик қилиш каби ўнлаб бевосита вазифасига кирмайдиган ваколатлар юкланган. Бу эса профилактика инспекторининг асосий вазифаси бўлган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ва уларни бартараф этиш фаолиятига вақт ва ресурс ажрата олмаслигига олиб келмоқда.

Институционал даражада идоралараро ҳамкорлик ва ваколатлар тақсимотидаги мавҳумлик тизимли муаммо сифатида намоён бўлади [5]. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Прокуратура, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, локал ҳокимликлар ҳамда маҳалла органлари ўртасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ ваколатлар матрицасининг йўқлиги функцияларнинг бир-бирини такрорланишига сабаб бўлмоқда.

«Маҳалла еттилиги» таркибига кирувчи мутахассисларнинг турли юқори идораларга бўйсуниши ва улар олдида идоравий ҳисобдорликка эга экани маҳалла даражасида ягона мувофиқлаштирувчи марказнинг самарали ишлашига тўсқинлик қилмоқда.

«Маҳалла еттилиги» аъзоларининг ижтимоий профилактика ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги касбий ва ҳуқуқий компетенциясининг етарли эмаслиги амалий механизмларнинг оқсашига олиб келмоқда [6]. Норматив ҳужжатларда маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва ижтимоий ходимга ижтимоий профилактика объектларини аниқлаш ва улар билан манзилли ишлаш бўйича кенг вазифалар берилган бўлса-да, улар учун махсус ҳуқуқий ва психологик тайёргарлик тизими йўлга қўйилмаган. Натижада кадрлар қўнимсизлиги юқори даражада сақланиб қолмоқда ва муаммоли оилалар ҳамда хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан ишлашда юзаки ва формал ёндашувлар устунлик қилмоқда.

Рақамлаштириш жараёнларида ягона ва мувофиқлашган ахборот майдонининг мавжуд эмаслиги тезкор профилактик қарорлар қабул қилишда узилишларни келтириб чиқармоқда [7]. Гарчи «E-ma'muriy ish», «E-ijtimoiy profilaktika», «Smart mahalla» ва «E-mehmon» каби ахборот тизимлари жорий этилган бўлса-да, улар ўртасида ахборотнинг автоматик ва реал вақт режимида интеграциялашуви таъминланмаган. Вазирлар Маҳкамасининг 801-сон қарори ва тегишли низомларга кўра, профилактика инспектори юборган маълумотнома бошқа субъектлар томонидан уч иш куни ичида ўрганилиши белгиланган сабабли, хавф омилларини бартараф этиш ва ижтимоий мослаштириш дастурларини ишлаб чиқиш кечиктирилмоқда.

Профилактик ҳисобга олиш ва маъмурий амалиёт бўйича процессуал қонунчиликдаги узилишлар ҳуқуқбузарликларнинг қайта такрорланишига замин яратмоқда [8]. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 34- ва 36-моддаларига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёки суд томонидан жазо тайинланган шахсларни профилактик ҳисобга қўйиш учун суд қарорларининг ички ишлар органларига ўз вақтида юборилиши талаб этилади. Аммо, суд ва ички ишлар органлари ўртасида электрон ҳужжат айланишидаги узилишлар сабабли суд қарорларининг манзилга кечиккани, шахснинг вақтида профилактик ҳисобга олинмаслигига ва унга нисбатан якка тартибдаги профилактика тадбирларининг ўз вақтида бошланмаслигига олиб келмоқда.

Оила-турмуш доирасидаги зўравонлик ва низоли ҳолатларни барвақт аниқлаш механизмларида жиддий ташкилий-ҳуқуқий нуқсонлар мавжуд [9]. Амалиётда профилактика инспектори оиладаги оғир низолар, оилавий зўравонлик ва тазйиқ ҳолатлари ҳақида аксарият ҳолларда ҳолат жисмоний зўравонлик ёки оғир жиноят даражасига етгандан сўнг, тиббиёт муассасаси ва «102» хизмати хабар бергачгина хабар топмоқда.

Ҳимоя ордерлари бериш механизми жорий этилганига қарамай, маҳалладаги хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспектори ўртасида низоли оилалар бўйича ёрдамчи индикаторлар асосида мониторинг юритиш тизими суст ишлаётгани сабабли латент маиший зўравонликни жиловлаш имконияти чекланмоқда.

Виктимологик профилактика ва жиноятдан жабрланувчи бўлиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни муҳофаза қилиш бўйича амалий ва норматив воситаларнинг етарлича ривожланмагани муҳим муаммо ҳисобланади [10]. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунда виктимологик профилактика алоҳида тур сифатида кўрсатилган бўлса-да, маҳалла даражасида виктимологик хавф харитаси ва аҳолининг заиф қатламларини (кексалар, ёлғиз аёллар, вояга етмаганлар) манзилли муҳофаза қилиш алгоритмлари норматив жиҳатдан мустаҳкамланмаган. Бу эса маҳаллада профилактик ишларнинг фақат ҳуқуқбузарга йўналтирилиб, жиноят қурбони бўлиш хавфи юқори бўлган шахслар билан ишлашнинг эътибордан четда қолишига сабаб бўлмоқда.

Маҳаллаларни криминоген вазиятига кўра тоифалаш («қизил», «сариқ», «яшил») методологиясидаги нуқсонлар реал хавфни баҳолашга тўсқинлик қилмоқда [11]. Амалдаги тартибга кўра, маҳалланинг тоифаси асосан унда рўйхатга олинган жиноятларнинг миқдорий кўрсаткичига қараб белгиланади. Бундай ёндашув яширин (латент) жиноятчиликни, аҳолининг ҳуқуқ-тартибот органларига бўлган ишонч даражасини ҳамда хусусий мулк ва жамоат жойларининг хавфсизлик индексини ҳисобга олмайди. Натижада, жиноятларни сунъий равишда яшириш ёки рўйхатга олишдан бўйин топлаш орқали маҳалла тоифасини «соғломлаштириш»дек салбий амалиёт учун рағбат юзага келмоқда.

Профилактика фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимида формализм ва статистик кўрсаткичлар ортидан қувиш муаммоси сақланиб қолмоқда [12]. Ички ишлар органлари ва маҳалла тузилмалари фаолияти ҳамон сифат кўрсаткичлари (муаммонинг ҳал этилгани, ижтимоий мослашув даражаси) билан эмас, балки миқдорий иш ҳажми (тузилган баённомалар, ўтказилган суҳбатлар ва тузилган далолатномалар сони) асосида баҳоланмоқда. Мутахассислар ва олимлар таъкидлаганидек, бундай сон кўрсаткичларига йўналтирилган баҳолаш тизими реал жиноятчилик даражаси ва хавф омилларини бартараф этишдан кўра, ҳисоботбозлик ва қоғозбозликни рағбатлантирмоқда.

Атроф-муҳитни лойиҳалаштириш орқали жиноятларнинг олдини олиш ва «намунавий хавфсиз кўча» концепцияларини амалиётга жорий этишда ягона ҳуқуқий ва техник стандартларнинг йўқлиги тизимли камчилик ҳисобланади [13]. Шаҳарсозлик кодекси ва маҳаллий норматив ҳужжатларда маҳалла ҳудудида жамоат жойлари, бозорлар, тунги кўнгилочар масканлар ва аҳоли гавжум ҳудудларни ёритилганлик, видеокузатув ва тўсиқлар нуқтаи назаридан хавфсиз лойиҳалаштириш бўйича мажбурий нормалар назарда тутилмаган. Натижада турли ҳудудларда «хавфсиз кўча»ларни ташкил этишда ягона ёндашув бўлмай, формал кўринишдаги тадбирлар билан чекланилмоқда.

Йирик шаҳарлар ва марказлардаги ички миграция, вақтинчалик ва ноқонуний ижарада яшовчилар ҳамда хостеллар устидан назоратнинг ҳуқуқий ва техник заифлиги маҳалла хавфсизлигига таҳдид туғдирмоқда [14]. «E-mehmon» ва доимий ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш тизимлари мавжуд бўлса-да, амалиётда уй эгалари ва ижарачиларнинг маълумотларни яшириши, вақтинча яшовчиларни маҳалла ва профилактика инспекторидан яшириш ҳолатлари юқорилигича қолмоқда.

Бу ҳолат ноқонуний миграция, вақтинчалик яшовчилар орасидаги жиноятчилик ва криминоген ўчоқларнинг шаклланишини барвақт аниқлаш имконини чекламоқда.

Жамоатчилик назорати ва фуқаролик жамияти институтларининг маҳалла хавфсизлигини таъминлашдаги ролини белгиловчи ҳуқуқий гарантиялар ва амалий механизмларнинг етарлича эмаслиги муҳим муаммодир [15]. «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар йиғинларининг муҳокамаларда иштирок этиши назарда тутилган бўлса-да, амалиётда уларнинг профилактика субъектлари фаолиятини холис баҳолаш ва қарорлар қабул қилишдаги иштироки декларатив характерда қолмоқда.

Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида идоралараро мувофиқлаштирувнинг сустлиги ва вазифаларнинг такрорланиши сақланиб қолмоқда [16]. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ички ишлар органларининг инспектор-психологлари ўртасида ягона рақамли профилактик картотеканинг йўқлиги вазифаларнинг бир-бирини такрорлашига ёки аксинча, масъулиятдан қочишга олиб келмоқда. Бу эса мактабдан ва таълимдан четда қолган, девиант хулқ-атворга эга ўсмирлар билан манзилли ишлаш самарадорлигини пасайтирмоқда.

Замонавий кибержиноятчилик, фирибгарлик ва ахборот хуружларининг маҳалла даражасида тарқалишига қарши курашишда норматив ва техник ресурсларнинг танқислиги намоён бўлмоқда [17]. Рақамли муҳитда содир этилаётган молиявий фирибгарликлар, интернет ахборот тармоқлари орқали ёшларни ғайриижтимоий ва экстремистик оқимларга жалб этиш таҳдидлари кескин ортаётган бир шароитда, маҳалла даражасидаги профилактика субъектлари бундай таҳдидларни аниқлаш ва уларга тезкор муносабат билдириш бўйича на техник воситаларга, на махсус методик ваколатларга эга.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқорида таҳлил қилинган норматив-ҳуқуқий бўшлиқлар, коллизиялар, институционал мувофиқлаштирувсизлик ва процессуал нуқсонлар маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича давлат томонидан белгиланган стратегик мақсадларга эришишга жиддий тўсқинлик қилмоқда [18]. Амалиётда аниқланган ушбу тизимли муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини чуқур диагностика қилиш, ҳуқуқий ва ташкилий механизмлардаги камчиликларни устуворлиги бўйича гуруҳлаш ҳамда норманинг нуқсонини уни нотўғри қўллашдан ажратган ҳолда ташхислаш лозим. Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун тадқиқот доирасида айнан аниқланган муаммоларнинг «далил — намоён бўлиши — эҳтимолий сабаб — оқибат» боғланишидаги чуқур ташхиси ва устувор векторларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш нафақат ҳуқуқий, балки комплекс ташкилий-технологик ёндашувни талаб этади.

Биринчидан, норматив-ҳуқуқий базадаги бўшлиқларни бартараф этиш ва идоралараро ҳамкорликда ижро интизомини қатъий назорат қилиш механизмларини жорий этиш зарур. Иккинчидан, «Маҳалла еттилиги» ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ахборот алмашинувини рақамли юриспруденция талаблари асосида ягона платформага интеграция қилиш, маъмурий ва профилактик ишларнинг электрон юритилишини (E-ma'muriy ish, E-ijtimoiy profilaktika тизимлари интеграцияси) тўлиқ автоматлаштириш мақсадга мувофиқдир. Учинчидан, кибержиноятчилик ва ахборот хуружларига қарши курашишда маҳалла ходимларининг рақамли саводхонлигини ошириш, замонавий таҳлилий дастурлар (шу жумладан, сунъий интеллект элементлари) ёрдамида криминоген вазиятни олдиндан ташхислаш ва мониторинг қилиш амалиётини кенгайтириш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Неъматов Ж. Анализ преступности в Республике Узбекистан на основе открытых статистических данных: необходимость совершенствования мер предупреждения // Общество и инновации. — 2026. — Т. 7, № 1. — С. 181–185.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. — URL: https://lex.uz/docs/2387357
3. Каримов Н. Идоравий буйруқлар ва қонун ўртасидаги мувофиқлик: таҳлил ва таклифлар // Ҳуқуқшунослар форуми. — 2022. — № 4. — Б. 12–14.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. Юнусов Ҳ. Ҳуқуқни қўллашда идоралараро мувофиқлашувнинг ҳуқуқий хусусиятлари // Адлия ва амалиёт. — 2023. — № 1. — Б. 61.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими samaradorligini yanada oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar тўғрисида»ги ПҚ-1-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. — URL: https://lex.uz/docs/7330260
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 801-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. — URL: https://lex.uz/docs/7243832
8. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. — Тошкент: Адолат, 2024. — 34, 36, 248-моддалар.
9. Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишда маиший турмуш доирасидаги муаммолар таҳлили // eConferences Proceedings. — 2025. — Б. 222–224.

10. Юлдошев Ф. Маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги асосий муаммолар ва ҳуқуқий аниқлик // Ҳуқуқий тадқиқотлар. — 2023. — № 3. — Б. 112–116.
11. Кудияров Ш. Маҳаллаларни криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда тоифалаш ва профилактик тадбирларни ташкил этиш тизимининг ҳуқуқий ва виктимологик таҳлили // Общество и инновации. — 2026. — Vol. 7, № 1. — С. 341–349.
12. Ниматов Ш.Н. ва б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида KPI асосида баҳолаш: субъектлар фаолиятининг интеграцияси ва самарадорлиги // Modern Education and Development. — 2025. — Vol. 37, № 2. — Б. 214–225.
13. Ички ишлар органлари фаолиятини бошқаришдаги мавжуд муаммо ва ечимлар // ИИВ Академияси илмий тўплами. — Тошкент, 2025. — Б. 283–285.
14. Исмоилов И., Зиёдуллаев М.З. Рақамлаштириш шароитида маҳаллада хавфсиз муҳитни таъминлашнинг криминалистик ва криминологик жиҳатлари // Central Asian Journal of Academic Research. — 2026. — Vol. 4, Issue 5. — P. 52–60.
15. Бобоев З. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. — Тошкент: Фан, 2021. — Б. 115–118.
16. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устидан прокурор назорат самарадорлигини ошириш // Илмий анжуман материаллари. — Тошкент, 2025. — Б. 57–59.
17. Исмоилов И. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси назарияси ва амалиёти. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. — Б. 88–92.
18. Исамутдинов Р.Р. «Безопасное махалля» и некоторые аспекты его критериев // Экономика и социум. — 2021. — № 5. — С. 112–118.